







Ойдин ҲОЖИЕВА,  
Ўзбекистон халқ шоири

# ИҚЛИМЛАР ИЧРА ТЕНГСИЗ МАКОНИМ

## САРАТОН САТРАЛРИ

Доғу дардларингга маҳкам бойлаиб,  
Кўнгал сирларингга маҳрам сайланиб,  
Минг бир илдинингга маҳкам пайланиб,  
Қирқ оғайни гулинг бўлсин шоиринг.

Чоҳдан омон чиққан Алломиш элим,  
Оҳдан армон туққан Қўлтуғмиш элим,  
Етмиш икки боғли чин кумуш элим,  
Бўғинида булбулинг бўлсин шоиринг.

Тамал тоши бўлиб иморатингга,  
Ўзни фидо айлаб ибодатингга,  
Биргина имою ишоратингга

Тилло толган қўлинг бўлсин шоиринг.  
Бошингда толеинг кенг қилмиш эгам,  
Мулки саодатга тенг қилмиш эгам,  
Фолу баётининг ўнг қилмиш эгам,  
Хизр тутган қўлинг бўлсин шоиринг.

Сермева дарахтим, яшил бўстоним,  
Хур-хур шамоллари роҳати жоним,  
Етти иқлим ичра тенгсиз маконим,  
Бир Ойдин манзилинг бўлсин шоиринг.

Учирма дил чирогимни,  
Кўзимни боғлама, гафлат.  
Ишонч-сермева боғимни

Хазонга чоғлама, гафлат.  
Ишонч-иксос бу дунёда  
Менга икки қанот бўлди.  
Ўзимдан дўстга зиёда  
Ишонмоқ эътиқод бўлди.  
Демиллар гоҳ:  
«Дўстингдан топ».  
Кумуш тутдим, миси чиқди.  
Харидор бўлганим кимхоб -  
Арқоғи хом бўзи чиқди.  
Ажирқдай кўзларимни  
Босма гафлат!  
Боғбон дунё,  
Яхши-ёмонни ажрим қил  
Одил тарозибон дунё...

Хўлжар тугди.  
Кечалар салқин.  
Маснона сайрайди саратон.  
Бота бошлар сахарга яқин  
Чарақлаган ой ҳам дарахшон.

Уриқларнинг хумчаларида  
Ёз шарбати тириллаб ётар.  
Атиргулинг гулчаларида  
Капалаклар асалга ботар.

Марвартак тут новот,  
Хар шохаси - дурдона,  
Ҳар шохаси - чўғурчўқбозор.  
Намозшомгуларга парвона  
Уйғонади насим беозор.

Оғиб кетар «Етти оғайни»,  
Сумбуланг ўроғи «оғар».  
Собит турар кутб юлдузи,  
Хайларга афсона ёғар.

Саратоннинг сўлим лаҳзаси,  
Тонг хуснида тириқлик,  
Янграб кетар Аллоҳ фароҳ.  
Шеваси:

«Хайи алаа фалаҳ...»  
Садосида тириқлик, фароҳ.

Доғу хуркиб набрасидан,  
Учқу тошиб тоғу тошда,  
Боботоғинг дарасида  
Арслон каби ўкраб-шошган  
Ботир бола!

Ёвузликнинг пайин қирқиб,  
Ўй белида дупураган,  
Хайбатидан девлар хуркиб,  
Қояларда гўмбурлаган  
Ботир бола!

Ботир бола,  
Туялорининг  
Туёқлари тилло бўлсин!  
Ўзбекистон тупроқлари  
Сен ўтганда кимё бўлсин...

Мен майинлик тингладим  
Най сўзли булоқлардан,  
Сукунатни англадим  
Мум тишлаган тоғлардан.  
Гулламоқни дарс олдим  
Бахрани дарёлардан.  
Кечирмоқни қарз олдим  
Ер деган дунёлардан.

### • Ном ҳам номус

Биз яшаб ўтган яқин ўтмишимиз — совет даврида шаҳар-қишлоқлар, хўжаликлар, кўчаю маҳалла номлари шунақанги ёппасига сунъий равишда ўзгартирилиб, қизил ранг, синфий-сиёсий тус берилиб чиқилдики... Ҳар бир шаҳарда, албатта, Ленин кўчаси, ҳар бир районда Ленин номи колхоз бўларди. Кейин бошқа партия амалдорларининг номлари қаторма-қатор қўйиб чиқиларди. Партиянинг ҳар бир йиғилиши, Октябрь байрамлари, саналари жойларга ном бўларди.

Мен Тошкент вилоятининг Бекобод туманида Октябринг қирқ туққиз йиллиги номли совхоз бўлганлигини биламан. Уша ерликлар уз совхозларининг номи айтишганда, мең: «Октябринг қирқ туққиз ярим йиллиги» дейилса

булган, у уттизинчи йилларда Шимолий Муз океанида музга қисилиб қолган «Челюскин» парохо-

бири... Лоҳутий деб аталяпти(!). Ҳолбуки, бу бекатга жой номидан келиб чиқиб «Миробод бекати» дейилса булади, ҳам табиий, ҳам ёнгинасида катта Миробод бозори. Умуман метро бекатларига тарихий жой номи берилса, кишининг

# ЕТТИ ЎЛЧАБ, БИР КЕССАК

«Октябринг қирқ туққиз ярим йиллиги» дейилса булмайдими? — десам, раҳбарлари киноядан хафа бўлишган.

Мана, шукрки, истиқлолга юз тутдиғу, бунақа бемаъни оҳанжамалардан қўтила бошладик. Аммо ном қўйишда ҳали ҳам камчиликлар куп. Аввало, эскидан қолган номлар ҳали ҳам шундайча турган жойлар бор. Масалан, мен узим истиқомат қиладиган Яқкасарой туманидаги Леваневский кўчаси мана неча йилдан бери узгармапти. Тугри, Леваневский деган учувчи

дидагиларни самолётида ташиб олиб келган, аммо бунинг бизнинг кўчамизга нима алоқаси бор? Ҳалиги учувчи бу ерда турилиш у ёқда турсин, умрида булмаган, курмаган булса? Аммо шу оддий нарсани Яқкасарой туман раҳбарларига, шаҳар мутасаддиларига айтивериб, ёзавериб чарчадик. Кўча-ку, энди кичикроқ масала-я, каттакатта жойларга ном беришда ҳам ҳамон шовша-шопарлик буляпти. Масалан, Тошкент метросининг янги қуриляётган каттагина бекатларидан

кўз олдида уша жой келди, масалан, Себзор бекати, Дархон бекати... ҳам тарихий, ҳам қўлай, ҳам тушунарли... Ҳа, жойларга ном беришда етти улчаб бир кессоқ шарт. Шундай номлар қўяйликки, у ҳам тарихий бўлсин, ҳам табиий бўлсин, шундагина у жой номи абадий булади, кейинги авлодларга маъқул булади. Куни кеча чиққан Вазирлар Маҳкамасининг қарор ҳам шундай талабларни қўяпти.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ,  
ёзувчи.



«Наврўз» таппалар саройида олимпиячилар билан учрашу бўлди.  
СУРАТЛАРДА: Ўзбекистонлик олимпиячилар; миллий олимпия кўмитаси президенти Собир Рўзиев ва Ўзбекистон Давлат спорт кўмитаси раиси Б. Махситов Аппатада ўтказилган олимпия уйшларининг бронза медали соҳибдори Карим Тулгановга мукофот топширмақда.  
А. РИСКЬЕВ (ЎЗА) олган суратлар.



Меҳнаткаш ва мақсадга интилувчан Ўзбекистон халқларининг муқаддас байрами - мустақилликнинг 5 йиллиги ўзбекистонлик дўстларимиз қатори бизга ҳам ифтихор бағишлайди.

Беш йил айтарлик катта муддат бўлмаса-да, мустақил Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида хайратомуз муваффақиятларга эришилди! Айниқса, Ўзбекистон халқининг аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлида иқтисодий ислоҳ қилиш режаларининг муваффақиятли амалга ошираётгани бизни ҳам қувонтиради.

ДЭУ-ТЕЛЕКОМ телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва реконструкциялаш лойиҳаларини бажариш билан Ўзбекистон иқтисодини мустаҳкамлашда фаол қатнашяпти. Фарғона вилоятида бизнинг иштирокимизда қурилган замонавий АТС ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги байрами арафасида ДЭУ-ТЕЛЕКОМ республика алоқачилари билан ҳамкорликда тайёрлаган совгаси - рақамли АТС мажмуини август ойида Андижон, Бухоро ва Сирдарё вилоятининг бешта шаҳарида ишга туширади. Тошкент вилоятидаги шаҳарларда ҳам телефон станцияларини монтаж қилиш жадал борапти.



1996 йил 1 июлдан Урганчдаги "АлоқаДЭУ" заводи янги технология бўйича рақамли АТСлар учун экспорт қилишга мўлжалланган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

ДЭУ-ТЕЛЕКОМ Ўзбекистон пойтахтида алоқа хизматини янада яхшилашга аҳамият бериб, шаҳар телефон тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш мақсадида иш бошланмасидаяк 350 миллион АҚШ доллари микдорида сармоя киритишни мўлжалляпти.

ДЭУ-ТЕЛЕКОМ республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурини амалга оширишда иштирок этаверади.

Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига соғлиқ-омонлик, бахт, хурсандчилик ва мамлакатнинг гуллаб-яшнаши, халқнинг фаровон турмуш йўлидаги бунёдкорлик ишлариди муваффақият тилаймиз.

ДЭУ-ТЕЛЕКОМ.



ХАЛҚ СЎЗИ  
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Анвар ЖЎРАБОВЕВ.

БЎЛИМЛАР:  
Парламент 33-57-34;  
Хатлар 33-07-48;  
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;  
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;  
Иқтисодий 36-36-65;  
Маънавият 36-35-60;  
Туғи муҳаррират 33-10-28.  
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

• МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Сатторов.  
Навбатчи — Б. Остонақулов.